# ТАДБИРКОР

*«Ташаббус — 2008»*

## ОЛҚИШЛАРГА ЛОЙИҚ БЎЛДИ

**БУГУНГИ КУН МУВАФФАҚИЯТЛАРИДАН ҚУВОНИШ, УНГА ЯРАША МУКОФОТ ОЛИШ ЮТУҚЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДА, ЯНГИ ЭЗГУ НИЯТЛАР ЙЎЛИДА ИНТИЛИШДА, ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. КУНИ КЕЧА «АВИАСОЗЛАР» МАДАНИЯТ САРОЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ТАШАББУС — 2008» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҲАМЗА ТУМАН БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТГАН ТАДБИРКОР ВА ҲУНАРМАНДЛАР БУНИ ЯНАДА ЯҚҚОЛ КЎРСАТИШДИ.**

Кўрик-танлов шартларига кўра кўплаб талабгорлар ичидан ташкилотчилар томонидан танлаб олинган 8 нафар тадбиркор ва 7 нафар ҳунарманд «Энг яхши тадбиркор» ҳамда «Энг яхши ҳунарманд» йўналишлари бўйича 2-босқичда ўзаро беллашиб, белгиланган 5 та шартни бажаришга муваффақ бўлишди. Улар туманда фаолият кўрсатаётган 3000 га яқин кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қўли гул ҳунармандларнинг вакиллари бўлиб, айни кунларда замон талаблари асосида иш юритаётганликларини, ўзларига билдирилган ишончни оқлаётганини, шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланаётганини исботлашга ҳаракат қилишди.

Шу ўринда, тадбиркорлик субъектлари хусусида тўхталадиган бўлсак, «Меҳнат-Ҳалол» шўъба корхонасида тайёрланаётган пўлат қувурлар сифати билан ажралиб туради. Тадбиркорлар бу билан чекланиб қолмасдан маҳсулот турларини кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш йўлида тинмай изланишмоқда. «Армина» хусусий корхонасида тикилаётган кийим-кечак ва рўзғор ашёлари дизайнига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис буюртмалар кўпаймоқда. Шунинг баробарида улар касаначилик ривожига ҳам катта ҳисса қўшишмоқда. Жорий йилда корхонада трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Япониядан янги дастгоҳлар келтиришни режалаб туришибди. Шунингдек, қурилиш ашёлари тайёрловчи «Стон» масъулияти чекланган жамияти, «Modern Form» хусусий корхонаси, хусусий тадбиркор «Зияев» хусусида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Айниқса, иштирокчи ҳунармандларнинг кўргазма экспозициялари барчанинг эътиборини бирдай тортди.

Кўрик-танлов иштирокчиларининг 2-босқичдаги шартлар бўйича чиқишларини нафақат томошабинлар ва уларнинг мухлислари, балки тадбирга ўзгача кайфият бағишлашга интилган бир гуруҳ санъаткорлар ҳам ўз маҳоратлари билан олқишлашдики, бу барчани хушнуд этганини таъкидламоқ жоиз.

Албатта, иштирокчиларнинг қай даражада моҳир ва билимли эканини ҳайъат аъзолари баҳолашди. Ана шу хулосага кўра «Меҳнат-Ҳалол» шўъба корхонаси директори Светлана Козетина «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Мазкур йўналишнинг 2-ўрин соҳиби «Армина» хусусий корхонаси раҳбари Абдуғани Содиқов бўлди. 3-ўрин эса «Modern Form» хусусий корхонаси директори Давид Богдасарянга насиб этди.

Шунингдек, нозик ҳунар устаси, моҳир ёғоч ўймакори Файзулла Юсупхўжаев «Энг яхши ҳунарманд» номини олиб 1-ўринга сазовор бўлди. Йўналишнинг 2-ўрни миниатюрачи рассом Д.Қорабоевга, 3-ўрин эса ёғоч ўймакори Шерзод Қодирқуловга насиб этди. Шу ўринда уларнинг халқ амалий санъати равнақига, миллий қадриятларимиз эъзозига қўшаётган ҳиссалари алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Кўрик-танлов сўнгида нафақат ғолиблар, балки «Энг ёш тадбиркор», «Энг ёш ҳунарманд», «Нафис санъат устаси», «Экологик тоза технологиялари учун», «Энг яхши дизайн учун», «Энг яхши тадбиркор аёл» ва бошқа қатор номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, уларнинг барчасига эсдалик совғалари топширилди.

**Шарофат БАХРОМОВА**



**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, АЛБАТТА УНИ ТАЙЁРЛОВЧИЛАРДАН ЮКСАК БИЛИМ ВА МАҲОРАТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. БУНИНГ УЧУН, ХОРИЖ БОЗОРИНИ ЎРГАНИШ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР ТОПИШ, ЭНГ АСОСИЙСИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚ ЛОЗИМ БЎЛАДИ.**

*Интилганга толе ёр*

## АСОСИЙ МАҚСАД — ЭКСПОРТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Бугунги кунда ўзлари тайёрлаган 1000 дан ортиқ моделдаги униформа, махсус иш кийимлари ва пойабзаллари билан мамлакатимиздаги кўплаб йирик корхона ва ташкилотларнинг буюртмасини бажараётган «NURAFSHON NUR» хусусий корхонасида 44 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг 14 нафари касаначилардир. Учтепа тумани «Маданият» маҳалласида яшовчи бу касаначилар ўзларига иш ўрни ва оила бағрида меҳнат қилиш учун шарт-шароитлар яратган тадбиркор аёл, корхона директори Муҳаббат Тошмуҳамедовадан беҳад мамнунлар.

— Маҳаллалардаги аёлларни хонадонларида иш билан таъминлаб, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз, — дейди Муҳаббат Тошмуҳамедова. — 3 йил хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиб, яхшигина тажриба тўпладим ва шу асосда ўтган йилда хусусий корхона ташкил этилди. Албатта, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, буюртмачиларни жалб этиш, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида цехларимизни хорижий дастгоҳ ҳамда ускуналар билан жиҳозладик. Яқинда Хитой давлатидан яна бир янги дастгоҳ келтиришга муваффақ бўлдик. Жорий йилдаги энг эзгу мақсадимиз ички бозордаги ўрнимизни янада мустаҳкамлаб, хорижга чиқиш, чет давлатлардан ҳам буюртма қабул қилишдир. Бунинг учун бор имкониятларимизни ишга солаяпмиз, ҳамкорлар топиб, улар билан шериклик қилишга интилаяпмиз.

Ўтган қисқа давр мобайнида тадбиркорларнинг меҳнат маҳоратидан «Шўртангаз» кимё мажмуаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, «Тошшаҳарнур» корхонаси, «Габус-5» қурилиш фирмаси сингари ўнлаб жамоалар ишчи-хизматчилари баҳраманд бўлишди. Уларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар дизайни, ҳар бир соҳа ходими учун ўзига хос қулайлиги, чидамлилигига катта эътибор қаратилади. Махсус кийимлар маҳаллий ҳамда Хитойнинг сифатли матоларидан тайёрланса, пойабзалларни ишлаб чиқаришда ўзимизнинг тоза чарм хом ашёсидан фойдаланилмоқда.

Тадбиркор Муҳаббат Тошмуҳамедова «Интилганга толе ёр» нақлига амал қилиб ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Улардан бири хорижий шериклар билан чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда қўшма корхона ташкил этишдир. Шу асосда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, юксак унумли хорижий дастгоҳлар келтириш, хотин-қизлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган. Энг асосийси эса мамлакатимиз ички бозорига рақобатга чидамли товар етказиб бериш, иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшишдир. Яна шуни қувонч билан таъкидлаш ўринлики, Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичида фаол қатнашган Муҳаббат Тошмуҳамедова «Энг яхши тадбиркор» деган номга сазовор бўлиб, 1-ўринни қўлга киритди. Эндиликда у танловнинг пойтахт босқичига тайёргарлик кўрмоқда.

**Дилноза СОДИҚОВА**

**СУРАТДА: тадбиркор корхона раҳбари Муҳаббат Тошмуҳамедова энг яқин кўмакчиси — моҳир дизайнер Ильмира Султонова билан ҳамиша бамаслаҳат иш юритади.**

## СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИНИНГ СУДЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ – СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ЭРКИНЛАШУВИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ. ИККИ КУН ДАВОМ ЭТАДИГАН УШБУ АНЖУМАН МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН АҚШНИНГ ЯНГИ ДЕМОКРАТИЯЛАР ИНСТИТУТИ ҲАМДА ШАРҚИЙ КЕНТУККИ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия вазирликлари раҳбарлари, Омбудсман, олимлар, соҳа мутахассислари ва таҳлилчилар, шунингдек, АҚШ, Европа давлатлари, БМТ ва ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлардан мутахассис ва экспертлар иштирок этмоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси бекор қилиниб, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

2008 йилнинг 1 январидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги ҳам мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалий самараларидандир.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқимиз томонидан инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама кафолатлаш йўлидаги улкан амалий қадамлар сифатида хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамини жаҳон жамоатчилиги улкан тарихий воқеа сифатида эътироф этмоқда.

Анжуманнинг очилишида Минтақавий сиёсат жамғармаси директори Сайфиддин Жўраев, Кентукки штати Полициянинг ижтимоий йўналтирилган фаолияти минтақавий институти директори,. "Очиқ мулоқот" лойиҳаси раҳбари Синтия Коллинз Шейн хоним (АҚШ), Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев, АҚШнинг Янги демократиялар институти бошқарув кенгаши раиси Лоуренс ДеНардис сўзга чиқди.

Конференциянинг дастлабки ялпи мажлисида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ҳолати ва истиқболлари, халқаро терроризмга қарши курашиш жараёнларида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга доир масалалар муҳокама этилди. Мамлакатимиз ва хориж мутахассислари томонидан Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишга оид жараён босқичма-босқич амалга оширилгани суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг яна бир самараси экани алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг 2005 йил 1 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, яшаш ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Ўтган даврда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ушбу фармонда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Анжуманда қайд этилганидек, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича судлар ваколатларини кенгайтириш ва суд назоратини оширишдан иборат. Бу борада, авваламбор, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказиш устувор аҳамият касб этади.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказиш жараёни ҳам, табиийки, муайян тайёргарликлар асосида амалга оширилди. Бунда барча ташкилий-ҳуқуқий масалаларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда суд тизими ва бошқа ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органларининг ушбу ўзгартиришларни киритиш учун зарур тайёргарликка эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишга доир қонунчилик сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга тўлиқ мос келади, мамлакат Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.

Шу ўринда халқаро анжуман иштирокчиларидан айримларининг фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир.

**Лоуренс ДеНАРДИС, АҚШнинг Янги демократиялар институти бошқарув кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон жадал одимлар билан дунё саҳнида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеини мустаҳкам эгаллаб бормоқда. Ўтган 16 йил ичида мамлакатингизда турли соҳаларда, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти борасида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар эътиборга сазовор. Ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, демократик, тинч-осойишта, очиқ ва барқарор жамият барпо этиш йўлида изчил, қатъий, оқилона сиёсат олиб бораётган давлатнинг саъй-ҳаракатлари ҳамиша ҳурмат-эҳтиромга лойиқ. Юртингизнинг суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш йўлидаги дадил одимлари мисолида Ўзбекистон раҳбариятининг ҳуқуқий давлат, хавфсиз жамият қуришга астойдил бел боғлаганига гувоҳ бўлдик.

**Филипп ГИЙО, Роэн университети катта ўқитувчиси (Франция):**

— Шуни ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик ва ижтимоий институтларни жорий этиш тўғри йўлга қўйилган. Бунда, энг муҳими, қонун устуворлигини таъминлашдир. Бугунги конференция, аввало, унинг иштирокчилари учун ўзаро фикр, таклиф ва тавсиялар алмашиш учун қулай имкониятдир.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – узоқ ва доимий ривожланиб борадиган жараён. Шу билан бирга, ҳар бир давлатнинг ўзига хос демократик тараққиёт йўли бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Хусусан, Франциянинг демократик мамлакат сифатида тан олиниши учун неча юз йиллар керак бўлди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг ҳозирги вазиятда демократик қурилиш йўлидан оғишмай, изчил бораётганлиги таҳсинга сазовордир.

**Жон ТАНХЕЙМ, АҚШ федерал судьяси:**

— Ўзбекистонда барча соҳалардаги чуқур ислоҳотлар қаторида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсатига биз, америкаликларнинг ҳам қизиқишимиз жуда катта. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши борасидаги улкан қадамлар ҳақиқатан ҳам диққатга лойиқ. Чунки бу соҳадаги ислоҳотлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиш тартиби жорий этилганидан буён энди икки ой ўтган бўлса-да, биз бўлган жойларда қамоққа олишга санкцияни судлар бераётганига, яъни янги илғор қоида амалда қўлланилаётганига гувоҳ бўлдик.

**(ЎзА)**

*Ҳуқуқий ҳимоя*

## АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИ САНАЛАДИ. САБАБИ, ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРТИДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ РИВОЖИ ЁТАДИ. ШУ БОИС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНАДА КЕНГРОҚ ИМТИЁЗ ВА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШ ЗАРУРАТИ ТУҒИЛДИ.**

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборатдир. Бундан кўриниб турибдики, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш орқали иқтисодиётимизни юксалтирибгина қолмай, балки баъзи бир ижтимоий муаммоларга ҳам барҳам бериш мумкин экан.

Маълумки, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларга кенг имтиёзлар ва имкониятлар бериш, уларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлаш бўйича Президент Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинган. Ушбу Фармонлар асосида хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат идоралари томонидан амалга ошириладиган такрорий текширишларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими жорий этилди. Бу ўз навбатида тадбиркорлар учун катта имкониятлар эшигини очди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, судлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар томонидан таъсир чораларини либераллаштириш борасида ташланган катта қадамдир. Ушбу Фармонга асосан, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан материаллар суд идораларига тақдим этилмайди. Жазо маъмурий жавобгарлик чораси билан чекланади, холос, фақат бундай ҳуқуқбузарлик қасддан қилинмаган, давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тўловлар камроқ тўланишига олиб келмаган бўлиши лозим. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш, банклардаги ҳисобварақалари бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш, уларга молиявий санкциялар қўллаш, ҳуқуқбузарлик ашёларини давлат тасаррufига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиш ва бекор қилиш каби ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланган.

Молиявий жамғармаларни қўллаш бўйича материаллар суд инспекцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган устама тўлаган тақдирда молиявий санкциялар қўллашдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Ҳозирда режа ва жадвал асосида ҳокимиятлар, давлат бошқарув идоралари ходимлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқ ва кафолатлар тизими тўғрисида жойларда семинарлар ўтказилиб келинмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланаётган тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тадбиркорлар учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида ечиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳар бир соҳа ходимига алоҳида масъулият юклайди.

**Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими**

*Хусусий тадбиркорлик*

## ИЗЛАНИБ ИМКОН ТОПАЁТГАНЛАР

**ИЧКИ БОЗОРНИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ БАРОБАРИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРГА ЎЗ РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЙЎЛИДА ТИНМАЙ ИЗЛАНАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА.**



Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илғор технологиялардан самарали фойдаланиб, мамлакатимизда бу борада етакчилардан бирига айланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «KLAND KON SHARQ» хусусий корхонаси тадбиркорлари ҳам ана шундай изланиб имкон топаётганлар сирасига киради. Чунки бозорни чуқур ўрганиш асосида — чармдан тайёрланаётган кийим-кечаклар дизайни, бежиримлиги, сифати билан бемалол импорт ўрнини боса олади. Бунинг асосий боиси эса харидор дид ва талабини ўрганиш, замонавий дастгоҳ ва машиналар қувватидан унумли фойдаланиш, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар тайёрлашда қўл келадиган энг илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдир.

— Республикамиз Президенти 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида «Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғли катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ», деб таъкидладилар, — дейди хусусий корхона раҳбари Абдукарим Абдураҳмонов. — Шунинг баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришни рағбатлантиришни жорий йилнинг энг муҳим устувор йўналишлари қаторида кўрсатиб ўтдилар. Албатта, бу юксак эътибордан биз тадбиркорлар ғурурланиб меҳнат қилишимиз, ишончни оқлашимиз керак. Чунки нимаики қилсак, эл-юрт фаровонлиги, мустақил мамлакатимиз равнақи йўлидадир. Бундан бир неча йил аввал атиги беш нафар киши билан иш бошлаган бўлсак, бугун малакали ходимларимиз сафи 20 нафардан ортди. Маҳсулотларимиз тури эса бозорни ўрганиш асосида кўпайиб бормоқда. Аввалига эркаклар, кейин аёллар, эндиликда эса болалар учун чарм либослари тайёрлашни йўлга қўйдикки, корхонамизда терини ошлашдан тортиб тайёр кийим-кечак тикилгунга қадар бўлган ишларнинг барчаси мукаммал бажарилади. Айни кунларда эса Хитой давлатидан янги дастгоҳ келтириш ҳаракатидамиз ва бу маҳсулотларимизнинг янада сифатли ҳамда кўркам бўлишида катта аҳамият касб этади. Албатта, аҳоли бандлигига ҳисса қўшиш мақсадида Ёшлар йилида йигит-қизлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратишни ҳам режалаштирганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб ортиб бораётгани тадбиркор жамоа аҳлини янада янгиликлар яратишга ундамоқдаки, бу ишлаб чиқарилаётган замонавий чарм ва мўйна либослар сифатида, харидоргирлигида ёрқин акс этмоқда. Айниқса, модельер-дизайнерларнинг маҳорати билан жорий йилда тайёрланаётган янги маҳсулотлар — аёллар ва эркакларнинг калта пальтолари, иссиқ дублёнкалар, қизлар учун чарм ва мўйна аралаштириб тикилган моделли курткалар бугунги кун талабига тўла жавоб беради. Ушбу товарлар импорт ўрнини босиши баробарида, четдан келтирилган худди шундай маҳсулотдан бирмунча арзондир.

Тадбиркорларнинг жорий йилдаги энг юксак мақсадлари маҳсулот экспортини йўлга қўйишдир. Улар рақобатбардош кийим-кечакларни талабларни ўрганган ҳолда Россия ва Қозоғистон давлатига экспорт қилишмоқчи. Шу ўринда айтиш жоизки, корхонанинг «Чорсу» ҳамда «Чилонзор» буюм бозорларидаги фирма дўконлари ҳамиша харидорлар билан гавжум. Бу эса маҳсулотларнинг бозорда ўз ўрнини топганидан далолатдир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: тадбиркор Абдукарим Абдураҳмонов янги маҳсулотни намойиш этмоқда.**
**Козим Ўлмасов олган суратлар.**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### *Саъдий ШЕРОЗИЙ*

*ҲИКМАТЛАР*

**Ўзга билан жаннат сайридан кўра,
Сен билан азобда ёнганим маъқул.
Гўзал даҳанидан пиёзнинг иси –
Яхшидир хунуклар тутганидан гул.**

* * *

**Йиллар ўтиб кетди тепангдан ғир-ғир,
Отанг мозорига бордингми бир дам?
Отанг хотирига нима эзгулик
Қилдингки, ўғлингдан кутасан сен ҳам?**

* * *

**Эй манзилга муштоқ йўлчи, кўп шошмагил,
Чопқир отлар кўпи йўлда қолиб кетди.
Пандим эшит, сабр қилиш бўлсин ишинг,
Оқсоқ эшак манзилига бориб етди.**

* * *

**Қаригач ташлагил ёшликни тамом,
Ўйинқароқликни ёшга қил инъом.**

* * *

**Кексадан истама қувноқлик ҳавас,
Ёшлик ўтмиш оқар сув – ортга қайтмас.**

**Экинга етаркан ўроқ замони,
Сабзадек мавж урмас, тинар жавлони.**

* * *

**Найранг билан сочинг қиласан қора,
Аммо букчайган бел рост бўлмас сира.**

* * *

**Йўлбарс панжа, филтан ўғлига кампир,
Не хуш сўзлар айтиб, ташлади савол:**

**“Эсингда бўлсайди гўдаклик чоғинг,
Бағримда ётганинг мурғак, бемажол.**

**Қилармидинг менга бул куни жафо,
Сен шердек йигиту, мен кекса, беҳол?”**

* * *

**Ибодат бирла бир кимга десанг чўзгил ёрдам қўлин,
Тутмасдилар ул замонда асти ибодатнинг йўлин.**

**Бир динорга эшак каби лойга ботмоқ ҳеч гап эмас,
“Алҳамду”ни сўрасангиз юз бор ўқиб бергай абас.**

* * *

**Қалин мато тикмак учун пўлат игна керакдир.**

* * *

**Қобилият бўлса аслида,
Тарбият унга қилади асар.
Қанча уринма бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмаса жавҳар.**

* * *

**Бир маҳал Шомда кўзғалди фитна,
Ҳар ким уйдан зада югуришди зир.**

**Қишлоқлардан келган ақлли ёшлар,
Янги подшоҳга бўлишди вазир.**

**Шаҳарлиқ калтафаҳм вазирзодалар,
Гадо бўлиб, қишлоқ кетишди охир.**

* * *

**Дарвеш агар юз номаъқул иш қилса,
Бирига ҳам дўстлар қилмас эътибор.
Аммо подшоҳ бирор ҳазил сўз деса,
Иқлимдан иқлимга ўтади такрор.**

* * *

**Кимни машҳур этмиш сахийлик, карам,
Қулфга тушмасин динору дирам.
Яхши номи чиққан бўлса кўчага,
Одамлардан эшик ёполмас ҳечам.**

* * *

**Яхши кишилар сўзини сўзлагил,
Гарчи сенга солмасалар ҳам қулоқ.**

**Тинглагучи қанча ўжар бўлса ҳам
Бандга тушар икки қўл-икки оёқ.**

**Сўнгра чапак чалга-ю айтар ўзи;
“Тингламай доно сўзин ҳолим чатоқ!”**

* * *

**Тилла-кумуш бари чиқса ҳам тошдан,
Барча тошда олтин бўлмоғи гумон.
Суҳайл нур сочади ҳар ёққа бирдан,
Бир ерда чарму бир ерда сахтиён.**

* * *

**Каъба ёпқичини ўпишар экан,
Ипак қурти туфайли бўлмади улуғ.
Бир неча кун бўлди азиз эгнида,
Шунинг билан бўлди ўзи ҳам қутлуғ.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**



*2008 — Ёшлар йили*

# «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ БАҲСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ЁШЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ, ҚИЗЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ВА СТОЛ ТЕННИСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ИККИ ЙИЛДИРКИ, МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА «КАМОЛОТ» МАЛИКАСИ» МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА.**

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган ушбу тадбир Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

2007 йил юртимизнинг олис қишлоқларидан келиб, ушбу мусобақанинг финал босқичида фаол қатнашган уч нафар иштирокчининг маҳалласида “Камолот” теннис клубини очишга қарор қилинган эди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 10-маҳалла, Жиззах вилояти Жиззах туманидаги “Оқ олтин” маҳалласи, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги “Катта ҳаёт” маҳалласида ана шундай клублар фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йил ушбу тадбирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида қарийб тўрт минг нафар қиз иштирок этди. Улар орасидан сараланган эллик олти нафар қиз мусобақанинг 5-6 март кунлари бўлиб ўтадиган финал босқичида иштирок этиш учун пойтахтимизга келди.

«Камолот» маликалари мусобақа аввалида Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйдилар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

— Пойтахтимизнинг ораста ва кўркамлиги, муаззам биноларнинг шарқона қиёфаси руҳиятимизга янада кўтаринкилик бахш этди, — дейди Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Малоҳат Жалолова. — Мустақиллик майдонини зиёрат қилдик, маданият саройлари, музейларни томоша қилдик. Бундай муҳташам иншоотлар бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида салобат тўкиб турибди. Жумладан, коллежимиз биноси улардан биридир. Илм даргоҳимизда жаҳон андозалари даражасида таълим олишимиз учун барча шароит яратилган. Компьютер хоналари, ёпиқ ва очиқ спорт заллари бизнинг хизматимизда. Яратилаётган ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, пухта билим олишни, мунтазам спорт билан шуғулланишни ва келажакда танлаган соҳам бўйича етук мутахассис бўлишни вазифам деб биламан.

**(ЎзА)**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

*Танловлар*

# НАВОЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

**МУСИҚА ИНСОННИ ГЎЗАЛИККА ЕТАКЛОВЧИ, БАДИИЙ ЭСТЕТИК ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА САНЪАТ ТУРЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ МАЪНОДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОЙИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ.**

Фармойишда маънавиятнинг сарчашмаси бўлган мусиқанинг катта таъсирчан кучга эга эканлиги таъкидланган. Шу кунларда шаҳримизнинг барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида бўлиб ўтаётган Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ёш ижрочилар кўрик танловининг туман босқичлари ҳам ёшлар учун тарбия воситаси, уларнинг руҳиятига ҳаётбахш куч бера оладиган жон озиғи эканлиги фикримизнинг яққол тимсолидир.

Куни кеча Чилонзор туманидаги 3-Болалар санъат мактабида ушбу танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда тумандаги 6 ва 8-болалар мусиқа мактаблари ҳам иштирок этдилар.

—Танлов жуда қизғин ва таассуротларга бой ҳолда якунланди,—дейди 3-Болалар санъат мактаби директори Ҳамидулла Саъгдуллаев. —Унда 25 нафар ўқувчилар иштирок этди. Шундан 9 нафари танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олди. Ишонаманки, уларнинг ичидаги энг иқтидорлилари албатта шаҳар босқичида ҳам ғолибликни қўлга киритади. Ушбу танловни ташкиллаштиришда бизга жонкуяр ўқитувчилардан Г.Бобохонова, А.Мирзаева, Ф.Рустамов,П.Новиков яқиндан ёрдам берди. Яна шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдимки ҳар бир инсонда гўзаллик туйғусини шакллантирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириш ноўрин. Мусиқа санъати эса инсонларни наинки гўзалликка ошно этади, балки уларни эзгулик йўлига ҳам бошлайди. Айниқса ёш авлод қалбида гўзаллик туйғуларини шакллантириш келажакда албатта ўз самарасини беради.



Биргина 3-Болалар санъат мактабидан шаҳар босқичига ўзбек халқ чолғулари созандалиги йўналиши бўйича Назокат Ражапова, Гулжаҳон Агзамова, Умида Умарова, Бекзод Маҳамаджонов, анъанавий созандалик йўналиши бўйича Фозил Фарҳодов, Баян-аккордеон ва гитара чолғулари йўналиши бўйича Дониёр Данаевларнинг чиққанлигининг ўзи мазкур мактабда ўқитиш ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидан далолатдир.

Танлов доирасида мусиқа мактабларининг ўқувчилари ўзларининг бадиий чиқишлари билан танловнинг янада сермазмун ўтишини таъминлашди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТДА: танловдан лавҳа.**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Савдога,** Тошкент шаҳар Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.07.2007 йилдаги 356-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ММХ автомашина сақлаш жойида сақланаётган, “ВАЗ-21063” русумли, д/р 11U4621 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси –2 000 000 сўм.**

2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 14.05.2007 йилдаги ЖСК-1-158/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ММХ автомашина сақлаш жойида сақланаётган, “Тико DLX” русумли, д/р 13F0754 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 4 500 000 сўм.**

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 30.10.2007 йилдаги ЖСК-1-376/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ММХ автомашина сақлаш жойида сақланаётган, “Матиз” русумли, д/р 10DA817 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 7 500 000 сўм.**

4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 19.11.2007 йилдаги ЖСК-1-607/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ММХ автомашина сақлаш жойида сақланаётган, “Даймлер Бенц” русумли, д/р 30Q9184 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 2 800 000 сўм.**

5. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 14.11.2007 йилдаги ЖСК-1-616/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ММХ автомашина сақлаш жойида сақланаётган, "Мерседес Бенц 200" русумли, д/р 10Y3939 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 8 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, бир объект учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, ҳ/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 8 апрель куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига

**ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҚЎЙИЛМОҚДА:**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 24 январдаги 1522/15-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Жарариқ» автотранспорт воситаларини сақлаш жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Х320ONM бўлган, «БМВ-320» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм.**

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94,138-69-93. Лицензия DB001-000010.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда уларнинг таклифларини ўрганиш бўйича бошланган бизнес лойиҳаларга тезкор равишда кўмаклашиш мақсадида учрашувлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан, Сиз ўз фаолиятингизда учраётган муаммо ва таклифларни 2008 йил 15 мартга қадар Кенгашнинг ишчи органи — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига ёзма ёки оғзаки равишда беришингизни сўраймиз.

Сизни ушбу йиғилишда иштирок этиш учун таклиф этамиз. Учрашувлар ҳар томонлама самарали бўлиши учун аввалдан ҳудудий бошқармаларнинг қуйидаги телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин:

| Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси телефон рақами | Тошкент шаҳар Давлат Солиқ бош бошқармаси телефон рақами | Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси телефон рақами | Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси телефон рақами |
|---|---|---|---|
| 232 00 97 | 144 60 45 | 162 92 42 | 150 31 01 |

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Мурожаат этган шахснинг исм, шарифининг сир сақланиши кафолатланади.**

### «Ишонч телефонлари» рақамлари:

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-22-33, (8-371) 233-39-39**
**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (8-371) 232-03-30**
**Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-374) 224-87-50**
**Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-365) 224-64-86**
**Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-372) 226-03-02**
**Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-436) 223-06-71**
**Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-369) 226-60-55**
**Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-366) 233-00-00**
**Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-367) 225-33-30**
**Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-376) 227-25-51**
**Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-371) 264-18-32**
**Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-373) 224-29-08**
**Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-362) 226-37-10**
**Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-375) 221-82-45**
**Транспорт Ички ишлар бошқармаси (8-371) 252-61-39**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13:23